



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 25-iyun. Shanba

76 (31.352)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Истиқлолнинг илк йилларида 800 минг тонна ғалла етиштириб, четдан 5 миллион тонна буғдой сотиб олган Ўзбекистон бугун ғалла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олди. 2010 йилда 400 минг тоннадан зиёд ғалла экспорт қилинди.

Ўзбекистон ёшларининг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатимизнинг буюк келажағини таъминлайди. Мустақиллик фарзандлари замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллаша олишлари лозим.



Муносабат

ОФК кубогини Қаршига олиб келамиз

■ Президентимиз Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22-23 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг «Насаф» футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасига ташрифи биз учун унутилмас воқеадир. Ташриф чоғида Президентимиз футболчилар ва мураббийларимиз билан учрашиб, суҳбатлашди. Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида ижобий натижаларга эришаётганимиз билан табриқлади.

Юртбошимиз мен билан қўл бериб кўришиб, «Насаф» жамоасининг барча учрашувларини кузатиб боришини, ОФК кубогини эришаётган натижаларимиздан жуда хурсанд эканини айтди. «Жамоангиз аъзоларининг Осиё майдонларида қўлга киритаётган ҳар бир ғалабаси халқимизнинг қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди, — деди у киши. — Бугун ўзбек футбол клублари қитъамизнинг энг кучли жамоалари билан муносиб кураш олиб бораётгани юртимизда жуда кўпга истеъдодлар улғаяётганининг исботидир. Ишонаманки, «Насаф» жамоаси нафақат миллий чемпионатда, балки Осиё майдонларида ҳам юксак марраларни забт этади. Сизлар ОФК кубогини Қаршига олиб келинглар. Ушанда мен сизларга алоҳида совға топшираман».

Бу сўзлар ҳар биримизни тўққинлаштириб юборди. Президентимизнинг учрашув чоғида футбол клубимизга янги автобус совға қилгани барчамизни хурсанд этди. Энди биз жамоамиз билан бу эътиборга жавобан янада мазмунли, муносиб ўйин намойиш этишга ҳаракат қиламиз. Энг муҳими, ОФК кубогини Қаршига олиб келиш учун астойдил курашамиз.

Ботир ҚОРАЕВ,
«Насаф» футбол жамоаси сардори.

ЎзХДП депутатлари фаолиятдан



«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами ва партия электоратига тушун-

тиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари алоҳида ташаббус кўрсатмоқда.

Концепцияда илгари сурилган қонунлар лойиҳалари бўйича

аҳолининг таклиф ва фикрлари ўрганилаёпти. Шунингдек, партия электоратини ташвишлантираётган муаммолар, тегишли қонунларни янада такомиллаштириш эҳтиёжи аниқланаёпти.

Масъулият — муваффақият калити

■ Ҳар бир депутат зиммасида одамлар ишончини оқлашдек улкан масъулият бор. Буни чуқур ҳис этиш, шунга яраша ишлаш керак.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат Абдор Сулаймонов буни яхши англайди. У депутатлик фаолиятига жиддий ёндашиб, тез-тез сайловчилари билан учрашиб туради. Одамларни

ўйлантирган муаммоларни ургангани, уни ҳал этишга ҳаракат қилади.

Биз депутатни йўқлаб Зангиота тумани «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғинига борганимизда, уни айнан иш устида учратдик. Абдор

Сулаймонов уч-тўрт нафар сайловчи билан суҳбатлашиб турган экан. Эътиборимизни тортган жиҳат — сайловчилар жуда хурсанд эди. — Депутатимиздан миннатдоримиз, — деди улардан бири. — Биз Ёқубов маҳал-

лада истиқомат қиламиз. Яқинда ичимлик суви муаммоси бўйича мурожаат қилдик. Абдор Сулаймонов бу масала бўйича туман ҳокимига хат билан чиқди. Ҳокимият талабимизни инobatга олиб, 4 миллион сўм маблағ ажратди. Унга пластмас-са қувурлар сотиб олинди. Шу тариқа маҳалламизда ичимлик суви таъминоти

янада яхшиланди. Ҳа, халқнинг оғирини енгил қилиш савоб. Депутатнинг ёрдами билан ижобий ечимини топган бу каби масалаларга эътибор қаратар эканмиз, уларда асосан партияимиз электоратига мансуб қатлам манфаатлари акс этганини кўрамиз.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли ва самарали ижроси ўзаро муносабатларимизни янада юксак даражага олиб чиқди. Зотан, ОТБ йиллик мажлисини ўтказиш учун кўпга мамлакатлар ичидан айнан Ўзбекистон танлангани ҳам бунинг далилидир.

Ўзбекистон иқтисодий юксак суръатларда ривожланмоқда. Бу омилни мамлакатимизга киритилаётган чет эл сармояси ҳажмининг тобора ортиб бораётгани ҳам аққол кўриш мумкин».

Казухико ХИГУЧИ,
Осиё тараққиёт банкининг
Ўзбекистондаги доимий
ваколатхона раҳбари.

Янгиликлар

Ўзбекистон — Германия бизнес-форуми

■ Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 24 июнь кунини Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбир Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, машинасозлик, озиқ-овқат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, юқори технологиялар ҳамда қурилиш, мебелсозлик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

— Германия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори, — деди Германия Куйи Саксония федерал ерининг иқтисодий, меҳнат ва транспорт вазири Йорг Бодде. — Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори автомобилсозлик саноатида ҳам ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятида-миз. Мазкур бизнес-форум юртингиз ишбилармонлари билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун қўлай имкониятдир.

Ипак ва уста

■ Кўхна Бухорода ўзбекистонлик, қозғистонлик, қирғизистонлик ва тожикистонлик хунармандлар иштирокида уч кунлик «Ипак ва уста» XI халқаро фестивали ўтказилди.

Мазкур тадбир вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбектуризм», Сайёҳлик ва кичик бизнес фирмалари ассоциацияси, шунингдек, «Хунарманд» хунармандлар ассоциацияси ва «Олтин мерос» халқаро жамғармаларининг бўлими томонидан ташкил этилди.

Тадбирда олимлар, етакчи усталар, туроператорлар иштирокида «Халқ хунармандларининг Бухорода сайёҳликни ривожлантиришдаги роли ва ўрни» мавзусида давра суҳбати ҳам ўтказилди. Фестивал якунида энг яхши хунармандлар тақдирланди.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам...

⇒ 4



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

КОНЦЕПЦИЯ:

Ислохотлар самарасини оширишнинг янги босқичи

⇒ 2

Гапни гапир уққанга!..

ёки «Адолат» социал-демократик партиясининг номи бор-у, ўзи ноаниқ Зафаробод туман кенгаши, айрим бошланғич ташкилотлари ҳақида

⇒ 2

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari



Хилматор лицензияси

КОНЦЕПЦИЯ:

Ислохотлар самарасини оширишнинг янги босқичи



Гулнора ЭРНАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари самарали фаолият юритиши ислохотлар изчил амалга оширилишининг асосий омилларидан биридир. Бунинг учун бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати амалга оширилиши фойда муҳим. Мазкур тизим муваффақиятли ишлари учун бу борадаги ҳуқуқий муносабатлар қонунида ҳар жиҳатдан аниқлашган белгилаб қўйилиши лозим. Ривожланган демократик давлатлар таърибаси шуни кўрсатадики, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақкам алоқа ўрнатишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Парламент ва жамоатчилик назорати самарали ташкил этилиши учун ҳокимият органлари фаолияти ҳақида етарли даражада, айни пайтда, ҳолис ахборот берилиши долзарб масала. Айниқса, мазкур ахборот кенг жамоатчиликка тезлик билан етказилиши, таҳлил қилиниши, айни пайтда, муайян хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан эркин фикр ва амалий тақлиф билдирилиши қимматлидир. Бунинг учун қонуний шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги қонуниларга шу мақсадда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилган. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқарув

органлари фаолияти самарадорлигини оширишда парламент ҳамда жамоатчилик таъсирини кучайтиришга хизмат қилади. Ҳокимият органлари, вазирлик ва ташкилотлар фаолияти ҳақида ахборот бериш тартиби ва тизимини ривожлантириш мақсадида ахборот хизматлари ташкил этилган. Аммо ахборот хизматлари кўпинча мазкур ташкилот фаолияти тўғрисида таништирув аҳамиятига эга маълумот тарқатади, ҳолис. Ахборот хизматларининг ахборот бериш тартиби, шакллари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунийликда аниқ ифода этилмаган. Бу эса ахборот хизматлари орқали зарур маълумотларни олиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Шунинг учун давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари ишини қонуний тартибга солиш, муайян тартибни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатини кўриб чиқиш муддатлари бугунги кун талабларига мос келмайдми. Бу эса жамоатчилик ва парламент назорати ўрнатиш учун зарур ахборотни ўз вақтида олиш, ўрганиш, шу асосда тегишли чора-тадбирлар белгиланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, ОАВнинг ахборот олиш бўйича мурожаатини кўриб чиқиш ва жавоб қайтариш муддатларини имкон қадар қисқартириш лозим. Концепцияда шунга ҳамоҳанг тарзда ахборот олиш соҳасидаги қонунийлик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш масаласига эътибор қаратилди. Ахборот олиш соҳасидаги талабларни белгилаш жараёнида қонуни ваколатли ахборот сўровчиларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари, шу билан бирга, ахборот олиш борасидаги қонуний талабларни бузганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун жавобгарлик ҳолатлари аниқ белгилаб қўйилиши зарур.



Саттор РАХМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси

— Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Маълумки, давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурларини шакллантириш вақтида ижтимоий соҳаларни янада тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, олис туманлар ва қишлоқларда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини тубдан яхшилаш, худудлар инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш каби муҳим ишларга керакли маблағ ажратилади, бу борада мутасадди вазирлик ва ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юкланади. Бу ишларнинг ўз вақтида ва самарли бажарилиши мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ кўплаб масалалар ечим топишига ёрдам беради. Бундан партияимиз электорати, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар бевосита манфаатдор. Маълумки, фуқаролик жамиятини турли институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиги ортиб, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу, ўз навбатида, турмуш фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ўз қобилиятини рўёбга чиқаришида қўшимча имконият яратмоқда. Шу орқали ижтимоий-иқтисодий кўмакка муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя қилиш борасида катта натижаларга эришилаётди.

Шу боис, жамият ва давлат қурилиши, худудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳуқуқини белгилаб берган қонунилар ва қонуности ҳужжатлари меъёрини бузганлик ёки бажармаганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш яхши самара беради. Концепцияда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бу борада тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинди. Бу ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш фойда муҳим. Концепцияда, шунингдек, жамият ҳаётининг кенг соҳалида, хусусан, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар бўйича давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокининг ҳуқуқий асосларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мавқеини ошириш, улар самарали фаолият юритиши учун қонуний асосларни мустақамлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим масалалар. Шу орқали, энг муҳими, жамиятда ижтимоий-иқтисодий фаоллик ортади, сиёсий-ҳуқуқий маданият юксалади. Буларнинг барчаси партияимиз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун янада кенг ва қулай шароит яратиб беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТўРАХОНОВ ёзиб олди.

ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

Масъулият — муваффақият калити

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маълумки, ёшларни иш билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласи. Бу ҳолат Аббор Сулаймоновнинг доимий эътиборида. Шу кунларда «Хонобод» ҚФЙ худудида «Женерал-Моторс» заводи қурилиши давом этмоқда. Депутатнинг саяё-ҳаракати билан тевақатрофдаги икки юз нафарга яқин ёшлар заводнинг қурилиш-монтаж ишларига жалб этилди. Кейинчалик улар касбқори ва ихтисосликларига қараб, танлов асосида заводда ишлаб кетиши мумкин. — Истиклолнинг 20 йиллик айёмини нишонлаш арафасида турибмиз, — дейди депутат. — Улуғ сана олдимизга жиддий вазибалар қўймоқда. Йил бошидан бери Мустақиллигимиз ҳақида турли тадбирлар ўтказиб келаман. Шунингдек, кам таъминланган, эътиборсиз оилаҳо ҳолидан хабар олиш, уларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш вазибаларимиз. Ундан ташқари, мактабларда ёшлар билан учрашиб, жиноятчилик, гнѳхвандлик, диний экстремизм ва одам савдоси — унинг келиб чиқиши ва оқибатлари ҳақида сўхбатлар қиляпмиз. Бу ўз самарасини берапти. Таъкидлаш ўринлики, аҳолининг саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш масалалари ҳам депутатнинг диққат-марказида. Соҳа вакиллари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар изси кетмаепти, соғлом турмуш тарзи шаклланишига хизмат қилмоқда. — Маҳалламизда ҚВП йўқ, — дейиши «Ўзгариш» ҚФЙдаги «Жалойир» маҳалласи фаоллари. — Бирон зарурат туғилса, пойтахтдаги шифохоналарга боришга тўғри келади. Шу масалани ечишда депутатимиздан ёрдам сўрадик.

Депутат масала юзасидан мутасадди идораларга мурожаат қилди. Шу кунларда «Жалойир» маҳалласида ҚВП қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шу билан бирга, маҳалланинг таъмир-талаб йўлларига асфальт ёткизиш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди. Дарҳақиқат, депутатнинг бу сингари хайрли ишлари оз эмас. У ўзи сайланган 27-Ўзгариш сайлов округи худудида амалга оширилган ишлар бўйича сайловчилари олдига ҳисобот бериб туради... — Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» биз депутатларни янада фаолликка ундайди, — дейди Аббор Сулаймонов. — Бугун ҳаёт қонунилар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиши талаб этмоқда. Шу тариха электоратимизни ташвишга солаётган масалаларни ҳал қилиш борасида депутатларнинг мавқеи ошмоқда. Демак, депутат ўзи зиммасидаги масъулиятни чуқур англаса, депутатлик назорати янада самарали бўлади. Хулоса шуки, депутат фаол ва ташаббускор бўлса, сайлов округидаги муаммолар ечими учун жон қуйди, сессияларга амалий тақлифлар киритса, жамият манфаатини ифодалаган бўлади. Бу эса партияимиз Дастурида белгиланган вазифалар амалга оширишда ўзига хос омил бўлиши шубҳасиз. Элимурод ЭГАМҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Гапни гапир уққанга!..

Ёки «Адолат» социал-демократик партиясининг номи бор-у, ўзи ноаниқ Зафаробод туман кенгаши, айрим бошланғич ташкилотлари ҳақида

■ Зафаробод Жиззах вилоятидаги исми жисмига мос туман. Бу ерда Мирзаўлнинг бир қисмини серҳосил пахтазору галлазорга, боғ-роғу обод масканга айлантирган меҳнатчи кишилар яшайди.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига сиёсий партияларнинг тумандаги ташкилотлари, маҳаллий Кенгашдаги депутатлар ва фаолларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Уни изчил давом эттириш — давр талаби. Бу борада ҳар бир сиёсий партия ўз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб ишлаши, янги ташаббуслар кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳўш, «Адолат» социал-демократик партиясининг мазкур тумандаги кенгаши, қолаверса, бошланғич ташкилотлари бу масалага қандай ёндашапти?... — Мавжуд 5 та бошланғич ташкилотимиз ҳисобига 225 нафар аъзосимиз бор, — дейди «Адолат» СДП туман кенгаши раиси Шерали Омонов. — Улар жойларда партияимиз обрўсини ошириш бўйича яхши ишлар қиляпти. Н.Олимова етакчилик қиляётган, сафига 29 нафар аъзони бирлаштирган Маданият саройидаги бошланғич ташкилотимиз фаолиятини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди... Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дегандай Маданият саройига боришга қарор қилдик. Бу ерда биз ёрдамчи-ҳисобчи Баходиржон Суоонов, услубчи Яхшигул Сариеова, мутахассис Дилмурод Ҳасанов ва тўғрақ раҳбари Наргиза Силлиеова билан суҳбатлашдик. Улар Маданият саройида «Адолат» СДПнинг бошланғич ташкилотини йўқлигини, етакчи деб тилга олинган Н.Олимова деган шахсни эса танимасликларини айтишди. Жамоада жами 24 нафар ишчи-хизматчи ишлагани билганимиздан кейин таажжубдан ёқа ушладик. Уларнинг орасида бошқа партия аъзолари ҳам борлигини инобатга олсак, туман кенгаши раиси айтаган 29 нафар «адолатчи» қаёқдан пайдо бўлдикидан?... — Биласизми, мен бу вазифага яқинда ўтганман, — дея жавоб берди Шерали Омонов.

— Сизга аввалги раисдан қолган қоғозларни кўрсатдим. Уларда шундай ёзиб қўйилган. Тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида бир нима дея олмаймиз, уэр... Бошланғич ташкилотлар ҳар қандай сиёсий партиянинг асоси, таянчи, пойдевори ҳисобланади. Пойдевор мўрт бўлса, бундай партиянинг сиёсий куч сифатида жамиятда обрў-эътибори бўлмайди. Бу оддий ҳа-

бораётганига қарамай, аввалги йил режаси асосида «фаолият юритаётган» туман кенгашлари бўла туриб, бошқа сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДП дастури, унинг мафқураси ва мақсадлари ҳақида тутуриқисиз даъволар билан чиқишга «Адолат» СДП ўзида қандай куч топа олди?... Танқид ҳам, баҳс-мунозара ҳам керак. Бунга ҳеч қандай

у, ўзи ноаниқ туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо камчиликларни ҳолис кўрсатиш, асосли танқиддан «адолатчи»лар тўғри хулоса чиқаришга қийналаётгани, бунга ҳеч ўргана олмаётгани кишини ўйлантириб қўяди... Бошқа сиёсий партиянинг зўрма-зўраки танқид қилиш, тўғ-

Жорий йилнинг ярми ўтиб бораётганига қарамай, аввалги йил режаси асосида «фаолият юритаётган» туман кенгашлари бўла туриб, бошқа сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДП дастури, унинг мафқураси ва мақсадлари ҳақида тутуриқисиз даъволар билан чиқишга «Адолат» СДП ўзида қандай куч топа олди?..

қиқатни «Адолат» СДП мисолида кўриш мумкин. Сиёсий партиялар фаолиятига одамлар, аникроги, сайловчилар баҳо беради ва бу энг тўғри, ҳолис ва ҳаққоний баҳо бўлади. Халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, мавжуд 20 та округнинг биронтасидан «Адолат» СДП номзодлари депутатликка сайланмади. Бу юқоридаги фикрнинг аққол тасдиғидир. Жорий йилнинг ярми ўтиб

эътироз йўқ. Аммо камчиликларни толиб, асосли, ҳаққоний танқид қилиш бошқа нарса-ю, сохта танқидга ўтиш, қуруқ гаплар билан гашига тегиш, энг ёмони, ўзини овора қилиш бошқа нарса. «Авалл ўзингга боқ, кейин ногора қоқ», деган нақл бежиз айтилмаган. «Адолатчи»лар ҳам бу мақолни эшитишган-у, аммо маъносини ўйламаган, мағзини чакмаган кўринади... «Адолат» СДПнинг рўйхатларда номлари қайд этилган-

рироғи, қойиш ўрнига, «Адолат» СДП мутасаддилари ўлда-жўлда «фаолият» кўрсатаётган туман кенгашлари ишини жонлантириш, қоғозларда тузилган бошланғич ташкилотлари ҳақида ўйласа, қайғурса, бундан ўзларига фойда бўлар эди. Ахир, бу аҳволда партия сайловолди дастурида белгилаб қўйган вазифаларни қандай қилиб, қачон ва ким орқали бажаради?... Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Кадрлар салоҳиятини ошириш — долзарб масала

■ ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда партия ишида ташкилий кадрлар фаолиятини такомиллаштириш масаласига бағишланган семинар-тренинг ўтказди.

Унда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари фаоллари, фуқаролик жамиятини ўрганиш бўйича мутахассислар, «Истиқбол» ҳамда «Фаол аёллар» қанотлари вакиллари иштирок этди. — Ўтган йили ЎзХДП Марказий Кенгаши партия ташкилотларида кадрлар захирасини бойитиш бўйича тегишли қарор қабул қилган эди, — дея таъкилади вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдурашид Убайдуллаев. — Шунга асосан кадрлар захирасини шакллантиришда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, партия гоғларни, мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ташаббус кўрсатадиган фидойи ёшларни партияимиз сафига кенг жалб этиш, айни пайтда, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимини

бойитишга жиддий эътибор қиляпмиз. Шу билан бирга, партия ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ёш кадрлар малакасини ошириш бўйича кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. — Ёшлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини англаши фойда муҳим, — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот-таҳлил маркази мутахассиси Ғойибжон Жўраев. — Ҳар бир ёш ўз соҳасидан келиб чиқадиган мақсад-вазифалари нимадан иборат эканини чуқур англаса, ёниб яшаса, ишда унум ва барака бўлади. Шунинг учун кадрлар захирасини мустақамлаш доирасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш долзарб аҳамият касб

этади. Бу борада партия ташкилотлари, айниқса, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиши керак. — Партия дастурий мақсадлари амалга оширилиши кўп жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқ, — деди вилоят партия кенгаши ташкилий-кадрлар ишлари бўлими мудири Раъно Нишоновна. — Шу боис, мавжуд кадрлар ва захирада турган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш лозим. Малакали кадрларни масъулиятли лавозимларга тавсия этишда партия кенгашларида ташаббускорлик етишмаяпти. Бугунги семинарда шу масала юзасидан кўплаб фикр-мулоҳаза билдирилди. Биз бу тақлифларни умумлаштириб, шу асосда кадрлар тайёрлаш ишларини кучайтириш бўйича навбатдаги вазифаларимизни белгилаб оламиз. — Вилоятда 37970 нафар партия аъзоси бўлиб, 15490 нафарини аёллар ташкил этади, — дейди «Фаол аёллар» қаноти Наманган вилоят бўлими етакчиси Манзура Исмолова.

— Ҳамкор ташкилотлар мутахассислари, фаоллар билан бирга, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида партияимиз дастурий мақсадлари аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини кўтариш борасида қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. «Хотин-қизлар ва ёшлар иш билан банд бўлишида томоққандан самарали фойдаланиш, кичик иссиқхоналар ташкил этиш тажрибалари», «Аҳоли бандлиги ва даромадининг барқарор ўсишини таъминлашда касаначиликнинг ўрни» мавзуларида ўтказилаётган илмий-амалий семинарлар шулар жумласидандир. Партия ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кучайиши етук етакчилар, дунёқараш кенг, ўз ишини қадрлайдиган малакали кадрлар қўлайишига бевосита боғлиқ. Зеро, ана шундай кадрларгина амалий иши билан жамиятга фойда келтиради. Хуршид ФАЙЗИЕВ, Санжар ТУРСУНОВ.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари Концепцияда белгиланган вазифалар ижросида фаол иштирок этмоқда

■ Тошкент шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан Яққасарой туманида жойлашган Гематология ва қон қуйиш илмий текширув институти Республика қон қуйиш марказида давра сўхбати ўтказилди. Тадбир «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш — Мустақилликни мустақамлаш пойдевори» мавзига бағишланди. Унда партия фаоллари, марказ ходимлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифалар, унинг ижроси, турли соҳалар ривожини унун яратилаётган кенг имкониятлар ва эришилган утуқлар ҳақида сўз юритишди. — Юртбошимиз Концепцияда жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берди, — деди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ниғора Эшметова. — Аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки кўламини кенгайтириш, ўзини ўзи бошқариш институтлари, маҳалланинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг ваколатларини кучайтириш, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик муҳим қарорлар қабул қилишда таъсирини кучайтириш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Партияимиз вакиллари ва депутатлар бу вазифаларни тўла адо этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. ЎзХДП ташкилотлари фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини оширишда шу мақсадда ташкил этилган тадбирларни оқори савияда ўтказишга алоҳида аҳамият бермоқда. Концепцияда белгилаб берилган, айни пайтда ЎзХДП электрорати манфаати билан боғлиқ яна бир муҳим вазифа — манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтиришда маҳалланинг ролини оширишдир. Шу боис, партия ташкилотлари томонидан жойларда «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маскани» мавзюида тадбирлар ўтказилди. Шу тариха масалага оид муносабатларни тартибга солувчи қонунийлик меъёларини янада такомиллаштириш учун жамоатчилик фикри ўрганилди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан 44-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутати Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддас Раҳматулаева, шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, партия ташкилотлари ва депутатлар олдига турган вазифалар ҳақида сўз юритишди. Мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга бағфисил жавоб беришди. Гурўр ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий ОАВнинг ривожланиш стратегияси

■ Самарқандда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти лойиҳалари координатори ҳамда Конрад Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик ва либерал ислохотларни ҳаракатга келтирувчи кучга айлантириш истиқболлари» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди.

ЎзЭОАВМА ташаббуси билан ўтказилган медиа-хафталик доирасида «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали, семинар машғулотлар, ҳудудий телерадиостанциялар вакиллари иштирокида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган давра сўхбатлари бўлиб ўтди. Муҳбиримиз ЎзЭОАВМА Бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳолиқов билан шу ҳақда сўхбатлашди.

— Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунги бу йил мамлакатимизда ўзгача руҳда, янада кўтаринки кайфиятда кутиб олинапти, — дейди Фирдавс Абдуҳолиқов. — Чунки бу байрам мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида, шунингдек, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган янги қонунчилик ташаббуслари, хусусан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳаётга татбиқ этилаётган бир пайтда нишонланмоқда.

Бугун мазкур Концепция жамиятимиз ҳаётининг асосий дастуриламалига айланган. Хусусан, нодавлат телерадиоканаллар давлатимиз раҳбари илгари сурган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш масалаларига оид хориж тажрибаси ўрганилмоқда, миллий медиа маҳсулотлар савиясини халқаро талаблар даражасига кўтариш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун мамлакатимизда 100 дан зиёд эфир каналлари ишлаб тургани, уларда 5000 нафардан зиёд ходим меҳнат қилаётгани қувонарли ҳолдир. Нодавлат телерадиоканаллар ўз фаолиятини барча шароитга эга махсус биналарда, илгор

рақамли технологиялар воситасида амалга ошириб келаётган. Миллий телерадиокомпания тизимига кирувчи бир қатор вилоят ва республика телерадиоканалларидан ташқари, 30 та телестанция, 30 та FM радиостанцияси ва 41 та кабель ТВ ишлаб турибди. Дарвоқе, кабель телевидениеси аҳолига қўллаб-қувватлаш телеканаллар пакетини ҳам тақдим этмоқда.

— **Халқаро анжуман, унинг мақсади ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз...**

— Ушбу анжуман қўллаб маҳаллий ва хорижий экспертларни Самарқандда жамлади. Анжуманда теле-радио, интернет журналистикаси, матбуот йўналишларида Озарбойжон, Бельгия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Сингапур, Украина, Франция сингари мамлакатлардан 15га яқин халқаро эксперт иштирок этди.

Уйлайманки, баҳс-мунозаралар қизиқарли ва конструктив руҳда ўтди. Масалан, Хосе Антонио Визнер Европа ва АҚШдаги замонавий ОАВ бизнес-менеджмент асослари ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Украинлик Николай Рыжков ОАВнинг иқтисодий ва молиявий эркинлигини таъминлаш тамойиллари хусусида маъруза қилди, Ҳиндистонлик Амея Сатае давлат ҳимоясидаги инфратузилмалар медиа-лойдоларни амалга ошириш хусусида сўзлаб берди. Меҳмонларимиз электрон

ОАВ тизимидаги энг яхши ишлар намойиш этиладиган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивалида ҳам иштирок этишди. Ушбу фестиваль мамлакатимиз тараққиёти билан бирга, нодавлат телерадиоканаллар, уларнинг куч ва салоҳиятини ҳам яққол кўрсатади. Биласизки, ушбу лойиҳа жорий йилда «Олтин қалам» VI халқаро танловининг бош миллий мукофотини қўлга киритди.

Жорий йилда бу фестиваль бешинчи бор ўтказилди. Қувонарлиси, у Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига хозирлик кўриш ва уни ўтказиш давлат дастурига киритилган. Мукофотлар тўртта номинация — «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан», «Эфирда ишбилармон Ўзбекистон» (Иқтисодий ислохотларнинг электрон оммавий ахборот воситаларида ёритилиши), «Жамият — ОАВ — Ёшлар» (Ахборот ҳамкорлиги ва ижтимоий самаралар), «Менинг ҳуқуқим» (Ўзбекистон: суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг ёритилиши) йўналишлари бўйича ўзгалари тўпширилди.

Ҳар бир номинацияда уч нафардан голиб аниқланди. Материаллар ҳолислик ва ҳаққонийлик асосида, он-лайн тартибда, нуфузли ҳайбат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

ЎзЭОАВМА ҳузуридаги Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

жамоат фонди мукофот жамғармаси таъсис этган.

— **Телеканалларнинг сони ва уларда ижодий фаолият учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб ўтдингиз. Сизнингча, бугунги талабчан томошабинни миллий медиа-маҳсулотлар сифати қаноатлантиради?**

— Ҳозирги босқичда мамлакатимизда хусусий телерадиостанцияларни ривожлантириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётган.

Шу билан бирга, олдинда миллий ОАВни жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтариш масаласи турибди. Юртбошимиз Концепцияда кўрсатиб ўтган — телерадиозуғувчилар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, халқаро экспертлар ҳамкорлигида ўзаро тажриба алмашиш, журналистларимиз малакасини ошириш — буларнинг барчаси масс-медияни ривожлантиришнинг ушбу муҳим босқичида ўз самарасини беради.

Самарқандга табиат, маданият, тарих мавзуларида материаллар тайёрлаш бўйича йирик мутахассис, америкалик ҳужжатли кино устаси Жон Хазардни таклиф этдик. ЕХТ ҳамкорлигида ёш журналистлар учун унинг иштирокида учинчи семинар ўтказилди. Шу боис, пойтахтдагидек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ёшлар журналистикасини ривожлантиришга қаратаётган эътибори учун Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказига миннатдорчилик билдираман.

Ҳафталик ўтказиш учун Самарқанд танлангани ҳам беҳиз эмас. Тренинг иштирокчилари бу ерда ўз кўникмаларини амалда синаб кўриш, Самарқанднинг тарихи, меъморий ёдгорликлари ҳақида лавҳалар тайёрлаш имконига эга бўлишди.

ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилган яна бир семинар «Замонавий фуқаролик жамиятида журналистларнинг ахлоқ

кодекси» мавзусига бағишланди. Мураббий сифатида Болгариядан эксперт Элзет Огнян Весселинов таклиф этилди. Учрашув иштирокчилари хориждаги ахлоқ кодекслари, бу бордаги муаммолар билан яқиндан танишдилар.

Маълумки, 2004 йилнинг апрелида ЎзЭОАВМА аъзолари томонидан Нодавлат телерадиозуғувчилар Хартияси ва ЎзЭОАВМА журналистлари Ахлоқ кодекси қабул қилинган эди. Бундан буён ҳам журналистларнинг фуқаролик позицияси ва масъулиятини халқаро андозалардан келиб чиқиб ривожлантириш зарур.

Яна бир амалий семинар «Худуд» — инфорацион дастури ходимлари учун ўтказилди. Ахборот дастури — ҳар қандай ОАВнинг юраги саналади. Аудиторингнинг ҳаққоний ва холис ахборотга талаби ўсиши билан журналист маҳоратининг аҳамияти ҳам ортиб боради.

— **Мамлакатимизда биринчи нодавлат телерадиокомпания қандай ташкил топган?**

— 1991 йили Самарқандда Наврўз ҳақида илк теледастур тайёрланди. Уша пайтда вилоятда ҳатто ҳудудий телеканал ҳам бўлмаган, фақат вилоят телеканали бўлиб қолган эди. Бу илк дастур ўша пайтдаги маҳаллий амалдорларнинг қатъий қаршилигига қарамай, баърибир, эфирга узатилди.

Қутилмаганда ўша кезлари Президентимизнинг Самарқандга ташриф буориши теле-студия тақдирини ҳал қилди. Юртбошимиз «Самарқанд» телекомпанияси муҳбирларига интервью бериб, охирида бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва оқ йўл тилади. Мамлакатимизда биринчи хусусий телеканал шу тарихда иш бошлади. Бугунги кунда эса 1200 дан ортиқ ОАВ эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда.

ОАВ тараққиётида эришилган натижалар Ўзбекистоннинг сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасида танлаган йўли қанчалик тўғри эканини кўрсатади. Биз ана шу йўналишдаги ишларимизни астойдил давом эттираман.

Тадбир



Мард ва жасур ўғлонлар

■ Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби битирувчиларига диплом ва офицер — лейтенант унвонини топшириш ҳамда «Жасорат монументи»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Офицер деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу эса менинг зиммамга янада катта масъулият юклайди, — дейди имтиёзли диплом билан битирган Одилжон Қўлдошев.

— Бугун ўғлим Одилжон диплом олганини кўриб, жуда қувон-

дим. Мана шундай фарзандим борлигидан фахрланиб кетдим, — дейди Ёрқиной Қўлдошева.

Мазкур тадбирда ички ишлар вазири генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов иштирок этди.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ

Манбашунослар анжумани

■ Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари»га бағишланган Республика III илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Унга Нукус, Фарғона, Термиз, Самарқанд, Урганч, Гулистон, Ангрэн шаҳарлари ва пойтахтимизда жойлашган олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, тадиқчиликчилари, магистрант ва талабалар, қўшни давлатлардан келган олимлар ўзларининг мавзуга оид 60 дан зиёд илмий мақолаларини тақдим

қилишди. Конференцияда бир-бирини тўлдирувчи тарихий манбашунослик ва тарихнавислик бўйича маърузалар тингланиб, методологик қарашлар муҳокама қилинди. Бу — тарихий ёритишдаги ёндашувлар ҳаққонийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

(Ўз муҳбиримиз).

Қарши педагогика билим юрти (ҳозирги Қарши педагогика коллежи) томонидан 1998 йилда Маматқулова Нилуфар Облоқулова номига берилган №236575 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзстандарт» агентлиги ва «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси жамоалари «Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори Жасур Шукуровга падари бузуқвори **HEFMAT** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



«АСАКА» БАНК (ОАЖ) жамоаси

27 ИЮНЬ —

Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куну

муносабати билан

барча соҳа ходимларини,

фидойи журналистлар,

матбаачилар ва меҳнат фахрийларини

муборақбод этади.

АЗИЗ ОАВ ХОДИМЛАРИ!

ХОНАДОННИГИЗДАН ТИНЧЛИК,

РЎЗФОРНИГИЗДАН ҚУТ-БАРАКА АРИМАСИН!



